Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 258 (13.321)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Бугунги кунгача Сиз Жаноби Олийлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири сифатида мамлакатнинг ички сиёсатини бошқариб келдингиз. Жаноби Олийлари, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон янада жадал тараққиётга эришади, бу ўз навбатида бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва фаровонлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Биринчи Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён икки томонлама алоқаларимиз дўстлик ва ўзаро қулайлик муҳитида давом этмоқда. Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифим давомида Сиз Жаноби Олийлари мени самимий кутиб олганингиз ва бутун ташриф давомида ҳамроҳлик қилганингиз мен учун улкан шараф бўлди. Япон ҳарбийлари мангу қўним топган масканни зиёрат қилиш, Навоий номидаги театрга ташриф, хотира концертида иштирок этиш ташрифимни жуда бойитди ва шахсан менда унутилмас таассурот қолдирди. Шу муносабат билан Сизга яна бир бор самимий миннатдорлигимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларни янада ривожлантириш тарафдориман. Бундан ташқари, биз "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти доирасида бутун Марказий Осиё билан ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрмиз. Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилаб қоламан. Самимий эҳтиром билан,

Шиндзо АБЭ,
Япония Бош вазири

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман. Сизнинг ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқи раҳбарлик қобилиятингизга қатъий ишонишидан далолатдир. Бу Сизнинг узоқни кўзлаган раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган улкан ютуқларнинг эътирофидир.

Покистон ва Ўзбекистонни қардошлик ва дўстлик муносабатлари боғлаб туради. Мамлакатларимиз кўп йиллар давомида кенг доирадаги масалалар бўйича ўзаро алоқаларнинг юксак даражасига эришган. Ишонаманки, яқин ва самимий муносабатларимиз халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатлари ва фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан зафарлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, ривожланиш ва фаровонлик тилайман. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Мамнун ҲУСАЙН,
Покистон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман. Польша Ўзбекистонда, шу жумладан, кейинги ойларда Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодиётни ва жамиятни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишларни ҳурмат билан қайд этади. Жаноб Президент, Сизга Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришдаги ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Польша ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Шу муносабат билан 2017 йилда Польша – Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтиши ҳамда ушбу мажлис ўзаро иқтисодий муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлишига умид қиламан. Сизга жорий йил 9 ноябрда йўллаган мактубингиз ва олий даражадаги ташрифлар алмашиш тўғрисидаги таклифингиз учун миннатдорлик билдираман. Жаноб Президент, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилаган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Ҳурмат билан,

Анджей ДУДА,
Польша Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ғалабангиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Сиз эришган муваффақият Ўзбекистон халқининг мамлакатдаги тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга қатъий қароридан далолатдир.

Арманистон – Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларга янада жадал суръат бағишлашдан Арманистон манфаатдор эканини тасдиқлайман. Ишонаманки, ўзаро алоқаларимиз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади. Сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш мақсадида Сизни, муҳтарам Шавкат Миромонович, Арманистон Республикасига расмий ташриф буюришингизни таклиф этаман. Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга юксак давлат лавозимидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

Серж САРГСЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси – доктор **Абдулла Абдулла**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари – **Ильяс Умаханов**

Россия Федерацияси Давлат Думасининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси – **Леонид Слуцкий**

"Российские железные дороги" ОАЖ президенти, МДҲга аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича кенгаши раиси – **Олег Белозеров**

Европа Парламенти депутати – **Херберт Дорфманн**

Нагоя университети президенти – **Сеичи Мацуо**

"ЛУКОЙЛ" нефть-газ компанияси президенти – **Вагит Алекперов**

"Боинг – фуқаролик самолётлари" компанияси президенти ва бош ижрочи директори, "Боинг" корпорацияси вице-президенти – **Рэймонд Коннер**

Умумий касаба уюшмалари Конфедерацияси бош котиби – **Владимир Шербаков**

"Клаас" компанияси кузатув кенгаши раиси – **Катрина Клаас Мюлхойзер**

"Клаас" компанияси бошқаруви аъзоси – **Ян-Хендрик Мор**

"Мир" давлатлараро телерадиокомпанияси раиси – **Радик Батиршин**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Пойтахтимизда ана шу шиор остида Ёшлар ҳафталиги бошланди.



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари, санъат ва маданият намояндалари, таниқли илм-фан арбоблари, хорижий экспертлар иштирок этмоқда.

"Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги анъанавий Ёшлар ҳафталиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш, энг иқтидорли йигит-қизларни саралаш, уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари М.Каримов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Шерматов, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори О.Мусаев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Ф.Тошмуҳамедов ва бошқалар мазкур ҳафталик ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва рағбатлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ УЛАРНИНГ ДАВЛАТГА ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан кириб келаётган янги – 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги эзгу ишлар бугун катта ғайратшижоат билан изчил давом эттирилаётганининг яна бир ҳаётий исботи бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" маърузасида бу борада амалга ошириладиган ишлар, концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар қатъий хулоса ва таклифлар асосида айтилгани халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗЛИДЕП СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига тўхталиб, сайлов миллий қонунчилигимиз талаблари ҳамда умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мос равишда очиқлик, ошкоралик, муқобиллик асосида ўтганлигини алоҳида таъкидлади. Унда партиядан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёев сайловчиларнинг 88,61 фоиз овози билан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди.

Президент сайловида халқимиз юксак сиёсий фаоллик намойиш этиб, тараққий этган демократик мамлакатлар қаторидан жой олиш, очиқ ва адолатли жамият барпо этиш йўлидаги стратегик мақсад ҳамда вазифаларимиз амалга оширилишини давом эттириш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, одамлар турмуш даражасини изчил юксалтириб боришдек эзгу ислоҳотларимиз изчиллиги учун овоз берди.

Мажлисда ушбу сиёсий тадбирда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муносиб иштирок этгани, партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури халқимиз қалбидан чуқур жой олгани ҳамда тўлиқ қўллаб-қувватлангани, бу партиянинг барча тузилмавий бўғинларига, унинг ҳар бир фаоли зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди.

Йиғилишда Конституциямизнинг 98-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўрсатиш масаласи сиёсий кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Асосий қонунимизга биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Муҳокамалар давомида таъкидланганидек, Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган масалаларни ҳаётга тўла татбиқ қилиш кўп жиҳатдан ҳукумат раҳбарига ҳам боғлиқ.

Муҳокамалар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентига Бош вазир лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Абдулла Арипов номзодини тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати К.Жумамуратова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори М.Жуманов, партиянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Ф.Аминов ва бошқалар Бош вазир лавозимига тавсия этилаётган номзод ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Мажлисда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида "Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Илмий-амалий анжуманда олимлар ва соҳа мутахассислари боғ ва боғдорчилик санъатининг халқаро тажрибаси, темурийлар даврида боғдорчилик санъати, тарихий шаҳарлар манзараларини сақлаш тўғрисидаги ЮНЕСКО тавсияномаси каби масалаларга доир мавзулардаги маърузалари билан иштирок этди.

• Чирчиқ олимпия захиралари коллежида "Адолат" социал-демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Фарғона шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, шартномалар тузиш ва экспорт қилиш учун барча шароит яратилган. Омборхоналарда 2 минг 800 тонна маҳсулотни сақлаш имконияти мавжуд. Савдо расталарининг усти ёпиқ, сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик яратилган.

ЖАҲОНДА

• Хитой Жанубий Суданга БМТ тинчликпарвар миссиясида қатнашиш учун 120 нафар ҳарбий хизматчисини жўнатди. Ҳаммаси бўлиб эса мамлакатдан Жанубий Суданга 700 кишилик ҳарбий хизматчидан иборат контингент юборилиб, улар бу ерда йил давомида қолишади.

• Париж шаҳри суди томонидан Франциянинг собиқ молия вазири Жером Кьюзак солиқ тўлашдан бўйин товлагани ва йирик молиявий фирибгарликлари учун уч йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Жумладан, унинг Швейцариядаги банклардан бирида катта миқдордаги маблағи мавжудлиги аниқланиб, ушбу банк йирик жаримага тортилди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ УЛАРНИНГ ДАВЛАТГА ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзА мухбири юртдошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Таваккал ТОПВОЛДИЕВ, "Нуроний" жамғармаси Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Соҳибқирон Амир Темур авлодларига шундай васият қилган: "...Шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим". Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Кириб келаётган йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ана шу тарихий анъаналар муносиб давом эттирилаётгани, эл-юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичи бошланаётганининг амалий исботидир.

Шавкат Мирзиёев Конституциямиз байрамидаги маърузасида аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Бир мисол: "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилишга 100 миллион доллар маблағ жалб этилди. Бу билан қанчадан қанча оилалар уйига оби ҳаёт кириб келди. 2017 йилдан қишлоқларимизда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуришга киришилади. Бу билан минглаб оилалар уйли-жойли бўлади, шу уйлар боис янги массивлар қад ростлайди, аҳоли ҳаётида янги, янада юксак бир босқич бошланади.

Маърузада "Нуроний" жамғармасининг ўрни ва ролини янада кучайтиришга эътибор қаратилиши ҳам таъкидланди. Йигирма йилдан буён мазкур тизим жамоатчилик асосида ишлаб келарди. Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурида "Нуроний" тизимидаги ходимларни ҳам бюджет ҳисобидан ойлик маош билан таъминлашни йўлга қўйиш, маҳалла раисининг нуронийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш, санаторийга бора олмайдиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўлланманинг пулини бериш, ёлғиз қарияларни ҳар йили қишки кийимбош ва озиқ-овқат захираси билан таъминлаш борасида қатор ҳаётий таклифларни илгари сургани барчамизни қувонтириб юборганди. Мана энди бу ғоя-вазифалар ҳаётимизга кўчаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси нуронийларимизнинг ҳаётдан рози ва хурсанд бўлиб яшашига хизмат қилади ва бу халқимизга хос улуғ қадриятлар бардавомлигига – кекса авлод олдидаги бурч ва қарзни ўташнинг умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Мулоқотсиз, фикр алмашувларсиз тараққиёт бўлмайди. Халқ билан мулоқот – бу икки томонлама фикрлашув, муаммоларга ечим топиш, аҳолининг давлат бошқарувидаги ролини ошириш демак. Сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада халқимиз қалбидаги катта бир орзуни айтди: "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур". Асли демократия деганлари шу: халқ ҳуқуқ-манфаатларининг асосий ролга чиқиши – кучли давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг мустаҳкам омили.

Сайланган Президентимиз ёш авлод тарбияси ҳақида гапириб, Абдурауф Фитратнинг "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ", деган фикрларини барчамизга бежиз эслатмади. Бу оилавий китобхонлик даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки оилавий китобхонлик нафақат оилаларда, балки бутун жамиятда ўзаро бир-бирини тинглаш-англаш қобилиятини юксалтиради, ўзаро мулоқот ва фикрлашиш маданиятини янада оширади.

Маърузада ёшларни турли ёвуз хавф-хатарлардан асраш борасида ҳам ниҳоятда оғриқли бир масала кун тартибига қўйилди. "Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим", дейилди. Ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришда ижодкорларимиз ҳам камарбаста бўлишини истардим. Чунки табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди, ёшлар қалби учун курашиш – келажак учун курашиш демакдир.

Шаҳринисо КАРИМОВА, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги "Булоқбоши" қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси:

– Сайланган Президентимизнинг маърузасида "2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади", деган сўзлари айни халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Чунки ҳар қандай раҳбар, қайси тизимда ва қайси лавозимда ишламасин, аввало, аҳоли олдида ҳисобдор ва жавобгардир. Уларнинг фаолиятига элнинг ўзи баҳо берса, халқ қўлласа, жамиятимизда ечилмаган муаммолар деярли қолмайди. Ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этиладиган "Халқ қабулхоналари" бунда муҳим омил бўлади. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиб, оғирини енгил қилишнинг аниқ бир тизими йўлга қўйилаётгани аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу барчамизни уйғоқ ва бедор виждон билан яшашга, ишлашга ундайди.

Умид ЁҚУБОВ
ёзиб олди



ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга кўтармоқда.

Ҳафталик доирасида Талабалар театр студиялари фестивали ўтказилади. Унда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент ахборот-технологиялари университетининг Нукус филиали, Навоий давлат кончилик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларининг театр жамоалари миллий ва жаҳон адабиёти асарлари асосида саҳналаштирилган спектакларни намойиш этади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ташкил этиладиган спектакллар намойишига ёш томошабинлар баҳо беради. Фестивалнинг энг сара асари Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилади.

Ёшлар ҳафталиги доирасида мамлакатимиздаги бешта олий таълим муассасасининг иқтидорли талабалари ўртасида "Тафаккур синовлари" танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади.

Ҳафталикнинг лойиҳаларидан яна бири Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган "Янги нигоҳ" видеороликлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросимидир. Мазкур танловга турли йўналишлар бўйича 500 дан ортиқ ижодий иш келиб тушган. Ғолиблар ҳафталик давомида интернет фойдаланувчилари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ҳафталик доирасида кинематография соҳасида ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш киноижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари "PROlogue" фестивали ташкил этилмоқда. Ушбу танловга юзга яқин ҳаваскор ва профессионал киноижодкор ўз ижод намуналарини тақдим этган.

Мода ва дизайн фестивали – ҳафталикнинг энг ёркин лойиҳасидир. Ушбу фестиваль анъанавий модалар ҳафталикларидан тубдан фарқ қилиб, унинг доирасида "Мода лабораторияси" намойиши, миллий либослар ва замонавий модельерлар дефилеси, ёш ҳунарманд ва рассомлар кўргазмалари, маҳорат дарслари ташкил этилади.

Ҳафталик давомида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилади. Танловда Самарқанд давлат университети, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Бухоро муҳандислик-технология институти, Тошкент автомобиль-йўллар институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоалари баҳслашади.

Ҳафталикда "MIT.uz" лойиҳаси доирасида ахборот-технологиялари соҳасида, хусусан, интернет тармоғида миллий сигментни ривожлантириш борасида изланишлар олиб бораётган ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган танлов совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилади.

"Туркистон" саройида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

– Биз, ёшлар бугунги кунимиздан мамнун, эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нилуфар Аббосхонова. – Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги бугунги ёшлар қўлида. Бундай юксак масъулиятни шараф билан адо этаётган тенгдошларимизнинг халқаро миқёсда қўлга киритаётган улкан ютуқлари барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Мазкур ҳафталик мамлакатимизнинг шижоатли йигит-қизларини янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундаб, истеъдодларини намоён этишда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Она юртга содиқ, ҳалол, пок, турли ғараз ва ҳасадлардан холис виждон кишиси бўлиш ҳар доим юксак масъулият. Бироқ, бу юкни кўтара билиш барчага бирдек насиб этмайди. Бундан бенасиб, мосуво кимсалар ақли саркашлиги боис гоҳида инсон сифатида ҳаёт, жамият, Ватан ва инсонлар олдида муайян мажбуриятлари борлигини, бурчли эканлигини унутадилар. Натижада, ҳақ йўлидан адашади, ўзлигини англаб етиш уларда мураккаб кечади, жиноят кўчасига киради, қонун билан жавобгарликка тортилади.

Дунёда турли ғавғолар авж олган ўзига хос даврда яшамоқдамиз. Ўзини сал эркин қўйиб, узоқ ва яқин атрофдаги заҳарли "чанг-ғубор" кўтариб эсаётган "шамол"га парвосизлик қилинса унинг гирдобида қолиш ҳеч гап эмас. Боиси одамзот нафсини синдирмоқ осон эмас. Ирода мустаҳкам бўлмоғи керак. Ташқи зарарли оқим, диний экстремизм ва терроризм ҳамда одам савдоси таъсирида қолмаслик учун нафси – подшо, ақли – асирликдан ўзни йироқ тутиб, ҳамиша огоҳ бўлган ҳолда олдинга интилишдан тўхтамаслик айни кунниng талабидир.

Ҳаётда ҳар нарсанинг турли "ранг" ва "жило"лари, шунингдек, ушбу "жило"ларнинг "ўйин"и, "жилоланиши" мавжуд. Буни ўз вақтида сезиш, ажрата билиш зарур. Бугун бепоён ўлкамизнинг маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳар, туман ва вилоятларида халқимизнинг тинчлик- осойишталигини таъминлаш учун маҳаллий жамоатчиликнинг фаол бўлиши, аввало фуқароларнинг ўзлари тўғри йўлдан бориши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Патруль пост ва жамоат тартибини сақлаш, Тергов, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармалари, Қўриқлаш Республика бирлашмаси, Хорижга чиқиш келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва бошқа соҳавий хизматлар ҳамда уларнинг жойлардаги тизимлари ходимлари томонидан жамоатчилик билан биргаликда жамиятимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ

ОГОҲЛИК – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

ва эркинликларини таъминлаш учун домий равишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда муайян профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Чунки, бугунги тараққиёт ҳар томонлама ривожланиш билан бирга турли тутуриқсиз, ғаразли ғоялар кескин қарама-қаршиликларда аюҳаннос солиб кузнинг сару-сомон хазонларидек атрофга намойишкорона ўзларини кўз-кўз қилмоқдалар. Ҳар ким эси борида этагини ёпмаса, эртага "чанг-тўзон" остида гувалак бўлиб қолиши аниқ. Шайх Саъдий ёзадилар: "Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилганида ҳам қадрсиздир".

Айрим ўпкаси йўқ, елкаси чопон кўрмаганлар чет эл телеканаллари, ахборот ресурслари ва интернетнинг баъзи ижтимоий тармоқлари орқали бузғунчи ёт ғоялар, ахборот хуружлари йўлида ҳеч қандай ҳаракатлардан тап-тортмай фуқаролар, ёшларнинг онгини заҳарлашга зўр бериб тарғибот-ташвиқот ишини олиб бораётгани бугунги кунда сир эмас.

Қабиҳ экстремистик ва террористик оқимлар, тўдалар томонидан ҳақиқий исломий манбаларда келтирилган ғоя ва атамаларни бузиб, "гапга тўн кийгизиб" ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланаётганликларини изоҳлаш қийин эмас. Улар иродаси бўш, билими, дунёқараши шаклланмаган қизиққон ёшларни ўз сафларига жалб этишда интернет сайтларидан тарғибот-ташвиқот қуроли сифатида фойдаланмоқдалар.

Узоқ - яқиндаги айрим давлатларда рўй бераётган хунрезлик, қирғинбарот урушлардан мақсад-муддаолари динга ҳам, мантиққа ҳам тўғри келмайди. Лекин, "ов" қилишда давом этаверадилар. Минг афсуски, экстремистик оқимлар ташвиқотига лаққа тушаётган, уларнинг тузоқларига овдаги ўлжадек тузоққа илинаётган айрим ёшлар чуқур билимга ва мустақил фикрга эга эмасликлари боис уларга кўр-кўрона эргашиш ҳолатлари ачинарлидир. Интернетнинг айрим сайтларидаги алдовга, ғараз ва ҳасадга, бузғунчиликка, уйдирмадан иборат ахборот ва маълумотлар муаллифининг тайини, тутуриғи йўқ. Мақсади эса алдаш, ёмонлик, низо келтириб чиқариш, кўрқувга солиш. Бундай ёт бузғунчи ғоялар, оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар эса ота-оналари у ёқда турсин бошқа яқинлари меҳрини ҳам тан олмайди, инсоний қадриятлардан узоқлашиб кетади.

Бугун интернет ва бошқа замонавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб бўлмайди. Интернетдан фойдаланиш керак. Яхшилик йўлида, эзгу ишлар учун, ахборот, маълумот, илм олиш мақсадида фойдаланиш зарур. Асл зиёли, фикрлаши, дунёқараши, онг-тафаккури жойида бўлган, имон-эътиқодли, умуминсоний қадриятларни чуқур англаб етган, мустақил фикрга эга инсон учун интернет тармоғининг айрим сайтлари қанчалик замонавий фикрламанг "юмшоқ" қилиб айтганда гоҳида "чиқиндилар қутиси"га ўхшайди, ундан бошқа нарса эмас. Уни титкилашни эса ўзини чин маънода ҳурмат қиладиган одам ўзига эп кўрмайди.

Шубҳасиз, илмга чанқоқлик ҳамма замонларда таҳсинга сазовор бўлган. Шунинг билан бирга бугун ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилиши зарур. Ким бўлишидан қатъи назар, интернетдан, энг замонавий ахборот воситаларидан оқилона фойдаланиш йўлини билишга интилиши керак. Ахборот ва маълумотлар дунёсида уларнинг ичидан оқни қорадан фарқига боришни тушуниб етса ҳеч кимдан кам бўлмайди, бировнинг ноғорасига ўйнамайди. Қолаверса, шундай собитлик билан турли ғаламисларнинг оёғини осмондан қилиш мумкин.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини, айниқса ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, турли ёт ғоя ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, бу ерда яшаётган бошқа кўплаб миллатлар вакиллари билан тотувликда ва ўзаро аҳиллик, оқибат тушунчаларини сингдириб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини кўпчилик яхши англаб етади. Бу борадаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида халқимизнинг бугунги фаровон турмушида, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикда яққол ўз ифодасини топмоқда. Келажак борисидаги бўлган ёшларнинг таълим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари ва ҳаётда ўз ўрнини топишларига ёрдам бериш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ким бўлмасин, бугун мамлакат келажаги, унинг осойишталиги, хавфсизлиги учун бўйни йўғонлик, лоқайдлик, бепарволик кетмайди. Юртимиздаги барча ёшу қари тинчлик-осойишталиқдек неъмат учун огоҳ ва ҳушёр бўлиши, жипслашиши, она тупроқни "янада жаннатмакон қиламиз" – дея дахлдорлик ҳисси билан яшаши ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Шундай экан ҳар биримиз одамлар ва жамият олдида ҳар доим бурчлимиз. Тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш ва туну кун бедор бўлиб уни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш – нафақат ички ишлар органлари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг иши, балки, шу маконда яшаб, ўқиб, ишлаб ва ижод этаётган, хизмат қилаётган ҳар бир соҳа вакилининг, миллатидан қатъи назар ҳар бир одамнинг чин фуқаролик, инсоний бурчи эканлигини тўлиқ англаб етиш айни муддао. Зеро, тинч-осойишта заминда шубҳасиз инсон ҳаётидаги сўнмас шуълани севгучилар учун ҳамиша шуъла бор албатта ва у ёлқинлигини, ёлқинланишини йўқотмайди.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Темурийлар тарихи Давлат музейида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг "Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури" доирасида ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган сайёр қабулда Юнусобод туманидаги тармоқ корхоналаридан касаба уюшма фаоллари, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар ва тегишли соҳа вакиллари қатнашдилар.

Тадбир давомида сўзга чиққан Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ш.Жавлонов ва бошқалар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг касаба уюшмаси фаолиятига доир мурожаатлари, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар, жорий йилнинг 24 декабридан кучга кирадиган Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни меҳнатни муҳофаза қилишни республика, тармоқ ва ҳудудий миқёсда тўғри ташкил этилишини таъминлаши, белгиланган тартибни бажаришда иш берувчи билан бирга ходимнинг ҳам масъулиятини ошириш ва бошқа масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбирда ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, уларга соғлом ва хавф-хатарсиз иш шароитларини яратиб бериш борасида иш берувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш, бу йўналишда бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарининг, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар ва жамоатчилик вакилларининг фаолиятларини янада кучайтириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Масалалар муҳокамасидан сўнг иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Келгусидаги режалар белгиланиб, тегишли тавсиялар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Улар тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ИМТИЁЗЛАР

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларинривожлантириш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2016 йилга келиб 5 фоизгача пасайтирилди.

Ўз ўрнида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш,молия, статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш ва уларни электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари учун Солиқ кодексида доимий тусдаги имтиёзлар белгиланганлиги билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида Фармон ва Қарорлари билан муайян муддатларга солиқ имтиёзлари белгиланган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар-тўғрисида"ги Қарорида келтирилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2018 йилнинг 1 январигача озод этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ҳамда гўшт ва сут етиштириш, уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2021 йилнинг 1 январигача озод этилган.

Мазкур имтиёзлар тегишли тармоқ корхоналарини ривожлантириш, замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга, шу орқали мамлакатимиз бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир йўлланган ишчи учун Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал тараққий этишини таъминлаш, хусусий мулк даҳлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, ишбилармонликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, юртимизда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида янги босқични бошлаб берди. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ноқонуний текширишларнинг олдини олишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, текширишларнинг камайиши тадбиркорларнинг вақтини беҳуда олиш, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратмоқда.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиб-тамойиллари ҳақида тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги қонун ҳужжатларига имтиёзларнинг киритилиши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратади.

Улуғбек АҲМЕДОВ,
Юнусобод туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ФАН ЮТУҚЛАРИ – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Пойтахтимизда ички касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар ҳамда Россия, Беларусь, Украина ва бошқа давлатлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори А.Алавий ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш ва халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражасини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилаётгани тиббий хизмат сифатини янада оширмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига терапия соҳасида замонавий андозалар даражасида тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатиш борасида самарали тизим яратилган. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти йўлга қўйилиши тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ўз йўналиши бўйича етакчи даволаш-профилактика ва илм-фан муассасаларидан бири бўлган мазкур марказда диагностика ва даволаш ишлари билан бир қаторда ўнга яқин давлат гранти асосида илм-фаннинг долзарб масалаларига оид тадқиқотлар амалга оширилаётир. Бунинг натижасида ички касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича бир қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилди.

Асаб касалликларини барвақт аниқлашга йўналтирилган электроэнцефалография, юрак-қон томир касалликларини даволашнинг янгича усуллари – коронар артериялар ангиопластикаси ва стентлаш амалиёти бунга мисолдир. Шундай операцияларни ўтказиш мақсадида бу ерда интервенцион кардиология бўлими ташкил этилди. Операция хоналари янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Тиббиётимиз эришаётган бундай муҳим ютуқларни ҳудудий тиббиёт муассасаларида ҳам амалиётга татбиқ этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида жойларда тўрт юздан ортиқ семинар-тренинг, маҳорат дарслари ташкил этилди. Ушбу тадбирлар доирасида эллик мингдан ортиқ беморга маслаҳат-ташхис ёрдами кўрсатилди.

Илмий-амалий анжуманда ички касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш борасида мамлакатимиз тиббиёти ютуқлари ва халқаро амалиёт, мазкур соҳага кириб келаётган янги технологиялар, дори-дармонлардан фойдаланиш самараларига оид маърузалар тингланди. Мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар томонидан шифокорлар ва ёш тадқиқотчилар учун терапия ва тиббий реабилитациянинг муҳим масалалари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири



ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янги, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлашга доимий эътибор қаратилаётгани, бу борада жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга устувор аҳамият берилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур фармонлар ижросини таъминлаш доирасида ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларда замонавий, барча шароитларга эга болалар спорти мажмуалари, умумтаълим мактабларининг спорт заллари, сузиш ҳавзалари қурилиб, мавжудлари қайта реконструкция қилинди.

Биргина Тошкент шаҳрида 2003-2015 йилларда жамғарма маблағлари ҳисобидан 119 объект фойдаланишга топширилгани бунинг далилидир. Натижада жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сони кескин ошиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланмоқда, турли мусобақалардаги эришаётган ғалабалари сони ва салмоғи ортмоқда.

Жорий йилги манзилли дастур асосида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек, Бектемир, Миробод ва Сергели туманларида янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бектемир туманида қад ростлаган замонавий, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси шу ерда истиқомат қиладиган аҳоли, айниқса, болалар учун муносиб совға бўлди.

– Мактабимизда ташкил этилган ўн олти спорт тўгарагида 750 ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, – дейди тумандаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Тоҳир Эгамқулов. – Тарбияланувчиларимиз мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Усти ёпиқ сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилгани мактабимизда сузиш тўгарагини ташкил этиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, туманимизда сув спорти турларини оммалаштиришга, ўғил-қизларнинг янада соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига, келажакда улар орасидан жаҳон ва Олимпия чемпионлари етишиб чиқишига замин яратади.

Замонавий иншоотда сузиш ҳавзаси, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Сувни тозалаш, иситиш тизимлари, хона ҳароратининг мўътадиллигини сақлаш ускуналарининг борлиги иншоотнинг кўп йиллар давомида ёш авлодга хизмат қилишини таъминлайди.

– Маҳаллamизда сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилгани фарзандларимиз ва невараларимиз учун муносиб туҳфа бўлди, – дейди ЎзА мухбирига Назокат Турдиева. – Невараларим спорт билан мунтазам шуғулланади. Уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб камол етишига доимий эътибор кўрсатилаётганидан миннатдормиз.

Байрам АЙТМУРОДОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ko'chmas Mulk Menejment Konsalting" МЧЖ бошланғич баҳоси боскичма боскич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 28 июлдаги 10-1621/10427-сонли ижро варақасига асосан Яшнобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган "COMFORT ELITE GROUP" МЧЖга қарашли Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1162,0 кв.метр, қурилиш майдони 348,0 кв.метр, фойдали майдони 318,51 кв.метрдан иборат бўлган завод қисми қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 547 782 000 сўм.

